

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2024 йил август ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Саломов, М.Мадумаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Қўқон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси О.Саидова, судланувчи З.Абдуллаева ва унинг ҳимоячиси Б.Каримовнинг иштирокида, Абдуллаева Зебо Олимовнага нисбатан 1-1503-2405/574-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Абдуллаева Зебо Олимовна, 1992 йил 23 август куни Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 4 нафар фарзанди бор, “Fauz Tour Travel” МЧЖ менежери, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар, Тўхлимерган мфй, Далачилик кўчаси, 22-уйда яшайди, иш бўйича “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 03.07.2024 йил куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи З.Абдуллаева 2024 йил 17 май куни Қўқон шаҳар ИИБ ҳамда ДХХ Қўқон шаҳар бўлими ходимлари билан ўтказилган тезкор тадбир давомида махсус харидор Д.Ахмедованинг онасини катта хаж зиёратига Ўзбекистон орқали қонуний тартибда юборишига ишонтириб, уни алдаб Д.Ахмедовадан қиймати 38.154.240 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари, яъни анча миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан “Fauz Tour Travel” МЧЖ офисида қўлга киритган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланган.

Ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро З.Абдуллаевадан 3.000 АҚШ доллори миқдоридаги пуллар ҳамда унинг қўлларидан суртмалар ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд кимёвий экспертиза 27.05.2024 йил кунги №319-сонли хулосасига кўра, фуқаро З.Абдуллаеванинг қўлларидан ашёвий далил тариқасида олинган артилган тампондаги махсус кукун излари 30 дона 100 АҚШ доллори купюрасидаги жами 3.000 АҚШ доллори купюрасидаги пулларда махсус кукун ва қалам наъмунаси билан турдош эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи З.Абдуллаева суд мажлисида айбига тўлик иқроп бўлиб, “Файз Тоур Травел” МЧЖ фирмасида иш юритувчи менежер бўлиб ишлаб келишлигини, мазкур фирманинг асосий вазифасига туроператорлик фаолияти, ички туризм



йўналиши, чиқиш туризм фаолияти, яъни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туризм фаолиятини, шу жумладан тиббий ва таълим туризмини амалга ошириш, кириш туризми фаолиятини амалга ошириш ҳамда чиқиш туризми фаолияти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туристик фаолиятни амалга ошириш, “Умра” тадбирини ташкил этиш ва ўтказишга оид хизматларни кўрсатиш киришлигини, 2024 йил 16 май куни нотаниш бир аёл келиб онасини Хажга юбориш нияти борлигини, уларнинг фирмаси арзон эканлигини эшитиб келганлигини айтганлигини, шунда нотаниш аёлга катта хаж зиёратига жўнатиш 6.500 АҚШ доллари бўлишлигини, белгиланган рўйхат асосида қонуний тартибда кетишлигини, айтилган суммадан 300-400 АҚШ доллори тушиб беришини, Арофат куни Арофат тоғида бўлишини, агар таклифларга рози бўлса эртанси куни онаси билан бирга хорижга чиқиш паспорти, кўрик учун учун 450.000 сўм пул билан келишлигини айтганлигини, эртаси куни шу қиз қиз офисга кириб келганлигини, онасини хорижга чиқиш паспортини ҳамда 3.000 АҚШ доллори миқдоридаги пулларни берганлигини, кейин эса қиздан олган пулларни санаб стол тортмасига солиб қўйганлигини, шундан кейин у аёл ишхонадан чиқиб кетганлигини, орадан бир неча дақиқа ўтиб фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлари келишиб ўзларининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, тезкор тадбир ўтказилаётганлигини айтишганида уларга ўз хохиши билан қиздан олган 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни стол тортмасидан олиб тақдим қилганлигини, шундан кейин улар мазкур пулларга кимёвий ишлов берилганлигини айтиб, нур ёрдамида кўрсатишиб, ушбу пулларни ҳамда уни қўлларидан наъмуналар олиб баённома ёрдамида расмийлаштиришгани, шунингдек улар мазкур пулларнинг бирига Тадбир-2024 ёзуви ёзилганлигини ҳам кўрсатишганлигини, бошқа бу ишни такрорламаслигини, қилмишидан пушаймонда эканлигини оилавий шароитини инобатга олиб, қонун доирасида энгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Хомидова Гулноза Махмудовна суд мажлисида Дин ишлари бўйича қўмита Қўқон шаҳар бўйича бош мутахассис бўлиб ишлашлигини, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 07.06.2017 йилдаги “Хаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги 364-сон қарорига асосан шаҳарда ушбу зиёратларни ташкил этиш бўйича комиссиянинг котиби бўлиб, бу жараёнларни ташкил этишда фаол қатнашлигини, юқоридаги қарорга асосан Хаж зиёратини ташкил этиш Саудия Арабистони Подшоҳлиги Хаж ва умра вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита ўртасида ҳар йили имзоланадиган шартнома асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан амалга оширилиши, бундай фаолият билан бошқа ташкилотларнинг шуғулланишига йўл қўймаслиги белгиланганлигини, ушбу шартномага мувофиқ келишилган ҳолда квота ажратилиб, шаҳар ҳудуди аҳолисининг сонидан келиб чиқиб хаж зиёратига борувчилар сони белгиланишлигини, ушбу белгиланган квота асосида маҳаллардан мавжуд хаж зиёратига навбатга ёзилганлар китоби орқали навбати келган фуқаролар маҳалла кенгаши томонидан тақдим этилиб, уларнинг ҳар бири комиссия томонидан ўрганиб чиқилишлигини, шундан кейин ҳужжатлар расмийлаштирилиб ҳажга юборилишлигини, келишувга асосан уларга



ҳаж визаси берилишлигини, аммо улар томонидан тақдим этилган фуқаролардан ташқари бегона шахсларга Саудия Арабистони ҳаж визаси бермаслигини, шу тариқа ҳаж зиёратчилари у ерда амалларни бажариб қайтишлигини, “Fayz Tour Travel” МЧЖ нинг фуқароларни “Ҳаж” зиёратига жўнатиш учун ваколоти йўқлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи З.Абдуллаеванинг содир этган жинояти, унинг судда ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳнинг суддаги ва дастлабки терговдаги кўрсатувлари, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги аризалар, тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи З.Абдуллаеванинг содир этган жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, З.Абдуллаева фирибгарлик йўли билан Д.Ахмедовадан 3.000 АҚШ долларини олган вақтда ушланган. Яъни, З.Абдуллаева фирибгарлик йўли билан олган пулларини тасарруф этиш имкониятига эга бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорида – Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи З.Абдуллаева 2024 йил 17 май куни Қўқон шаҳар ИИБ ҳамда ДХХ Қўқон шаҳар бўлими ходимлари билан ўтказилган тезкор тадбир давомида махсус харидор Д.Ахмедованинг онасини катта ҳаж зиёратига Ўзбекистон орқали қонуний тартибда юборишига ишонтириб, уни алдаб Д.Ахмедовадан қиймати 38.154.240 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари, яъни анча миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан “Fayz Tour Travel” МЧЖ офисида қўлга киритган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланган.

Шунга кўра, З.Абдуллаеванинг ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” бандидан 25,168-моддаси 2-қисми “а” бандига, анча миқдорда ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилишга қайта малакалашни лозим топади.

Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 29-бандида, ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи З.Абдуллаевага жазо тайинлашда, уни айбига иқроп бўлмасада, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ЖКнинг 56-моддасида кўрсатиб ўтилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларсиз содир этилган деб топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 2-бандида судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англамаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини инобатга олиб, суд, судланувчи З.Абдуллаевани содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш билан бирга тайинланадиган жазони ўзи ва бошқа фуқаролар учун тарбиявий аҳамияти назарда тутиб, унга жазо тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи З.Абдуллаевага нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда унинг муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқроп ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида тўрт нафар фарзанди бўлиб уларнинг энг кичига хали уч ёшга тўлмаганлигини, аёл киши эканлигини, жиноятни келтириб чиқарган салбий оқибатларини, жамиятга ва оиласига етказган маънавий зарарни тушуниб етганлигини, маҳалладан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, ушбу ҳолатларни унинг содир этган жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмининг “а” банди санкциясида назарда тутилган энг жарима жозосидан камроқ жарима жазосини тайинлашни лозим топади.



Шунингдек, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб топилган 3.000 АҚШ доллари пуллари ИИБ ходими Л.Эгамовга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган махсус куқун намунаси, махсус қалам намунаси, пулларга кимёвий ишлов берилган бинт намунаси, З.Абдуллаеванинг қўл бармоқларидан олинган суртмаларни тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосан,

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Абдуллаева Зебо Олимовна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Абдуллаева Зебо Олимовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари миқдорида 17.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Тайинланган жарима давлат фойдасига ундирилсин.

З.Абдуллаевага нисбатан қўлланилган Гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бекор қилинсин.

З.Абдуллаеванинг “гаров” эҳтиёт чораси учун Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека-банк” ИИБ депозит ҳисоб рақамига топширилган 6.800.000 сўм пуллар гаровга қўювчи З.Абдуллаевага қайтарилсин.

Тезкор тадбир жараёнида фойдаланилган 3.000 АҚШ доллари пуллари ИИБ ходими Л.Эгамовга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган махсус куқун намунаси, махсус қалам намунаси, пулларга кимёвий ишлов берилган бинт намунаси, З.Абдуллаеванинг қўл бармоқларидан олинган суртмалар тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ва прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Н.Саломов

